



THE PROCESS OF EMERGENCE OF REGIONAL SCHOOLS IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES

Odiljon Qoriev

senior researcher, doctor of history

*Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: region, school, Islam, sahaba, fiqh, scholar, manuscript source, Hijaz, sect.

Received: 26.12.24

Accepted: 28.12.24

Published: 30.12.24

Abstract: The process of the formation of the first scientific schools in the Islamic world is one of the areas that has not been well studied in historical science. Because local schools are one of the factors that played an important role in the formation and development of Islamic sciences. The article analyzes the circumstances that led to the emergence of scientific schools in the Muslim world, starting with the rightly guided caliphs who showed great dedication in this process, and the scientific and practical activities carried out by the companions, followers and their followers, and their results. As a result, the scholars who served in the formation and development of the schools of jurisprudence in the early Islamic period, the schools of Mecca, Medina, Basra, Kufa and Sham, and the norms and criteria required for the emergence of scientific schools are revealed, and their connection with the schools that later spread throughout the Islamic world is revealed.

ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДА МИНТАҚАВИЙ МАКТАБЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ЖАРАЁНИ

Одилжон Қориев

катта илмий ходим, тарих фанлари доктори

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: минтақа, мактаб, ислом, саҳоба, фикҳ, аллома, кўлёзма манба, Ҳижоз, мазҳаб.

Аннотация: Ислом оламида илк илмий мактаблар шақлланиши жараёни тарих илмида яхши тадқиқ қилинмаган йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, маҳаллий мактаблар ислом илмлари шаклланиши ва ривожда муҳим ўрин тутган омиллардан бири ҳисобланади. Мақолада мусулмон дунёсида илмий мактабларнинг вужудга келишига сабаб бўлган ҳолатлар бу жараёнда жонбозлик кўрсатган хулафо рошидинларда бошлаб саҳоба, тобеъин ва уларнинг издошлари олиб борган илмий амалий фаолият ва унинг натижалари таҳлил қилинган. Натижада илк ислом даврида дастлаб фикҳий мактаблар Макка, Мадина, Басра, Куфа ва шом мактаблари шаклланиши ва ривожда хизмат қилган олимлар, илмий мактаблар вужудга келиши учун талаб этилган меъёр ва мезонлар қилиниб уларнинг кейинчалик ислом оламига тарқаган мазҳаблар билан алоқадорлик жиҳатлари очиқ берилган.

**ПРОЦЕСС ВОЗНИКНОВЕНИЯ РЕГИОНАЛЬНЫХ ШКОЛ В РАЗВИТИИ
ИСЛАМСКИХ НАУК**

Одилжон Кариев

Старший научный сотрудник, доктор исторических наук

Институт востоковедения Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: регион, школа, ислам, сподвижники, юриспруденция, ученый, рукописный источник, Хиджаз, мазҳаб.

Аннотация: Процесс формирования первых научных школ в исламском мире является одним из наименее изученных направлений исторической науки. Потому что местные школы являются одним из важных факторов формирования и развития исламских наук. В статье анализируются обстоятельства, приведшие к возникновению научных школ в мусульманском мире, научная и практическая деятельность сподвижников, преемников и их последователей, начиная с праведных халифов, проявивших преданность этому процессу, и ее результаты. В результате ученые, участвовавшие в формировании и развитии ранних исламских школ юриспруденции в Мекке, Медине, Басре, Куфе и Шаме,

установили нормы и критерии, необходимые для возникновения научных школ, а также выявили их связи со школами, которые впоследствии распространились по всему исламскому миру.

Ислом динининг вужудга келиши инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди, ҳамда авваллари мавжуд бўлмаган янги илм соҳаларини шаклланишига сабаб бўлди. Бу илм соҳаларининг вужудга келиши энг аввало ислом таълимотининг асосий ғоя, мақсад, мазмун моҳиятини очиб бериш, ҳамда ислом дини талабларини ҳаётга татбиқ қилиш заруратидан келиб чиқди. Ислом динининг асосий манбалари Қуръони Карим ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бўлиб, Ислом илмлари мана шу икки манба асосида шаклланди. Ислом илмлари орасида фикҳ илми алоҳида ўрин тутди. Унинг назарий - *усул ал-фикҳ* ва амалий – *фуруъ ал-фикҳ* соҳалари доирасида ислом таълимотининг асоси шариатнинг бутун мазмун моҳияти мужассам бўлган.

Мазкур илмларнинг барчаси ислом илмлари сифатида илк ўрта асрларда батамом шаклланди.

Мусулмон дунёсида фикҳ илмининг шаклланиши давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Шу боисдан ҳам фикҳ илмининг шаклланиш тарихи турли даврларни ўз ичига олади. Дастлабки, далатчиликнинг назарий асослари шаклланиб борган давр (ҳиж.ав.12/610-10/632), давлатчилик институтларининг вужудга келишининг бошланиш даври (10/632-40/661), қонунчиликнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш фикҳ илмининг шаклланиши (40/661-132/750), фикҳ илмининг ривожланиши (132/750-369/980), фикҳ илмини ҳаётга татбиқ қилиш жараёни, фикҳнинг мавжуд мазҳаблар доирасида ривожланган давр (369/980-658/1260)лардир. Ҳар бир давр ўзига хос объектив ва субъектив заруратлар билан характерланади. Масалан, мусулмон жамиятини муайян қонун қоидалар асосида бошқариш зарурати. Бу вазифани амалга ошириш учун ислом дунёсининг турли юртларига шариат билимдонларини сафарбар қилиш ва маҳаллий мактаблар яратиш зарурати. Демак, минтақавий фикҳ мактабларнинг вужудга келиши объектив зарурат ҳосиласи бўлди. Зеро, мазкур мактабларнинг вазифаси мусулмон жамиятида пайдо бўладиган ҳуқуқий муаммоларга асл манбаларга асосланган ҳолда ҳуқуқий ечимлар ишлаб чиқиш, уларни шарҳлаш ва асослаб беришдан иборат бўлди. Кейинчалик фикҳ илмининг ривожланиши натижасида турли мазҳаблар вужудга келди. Бу даврдан бошлаб минтақавий мактаблар муайян мазҳаб доирасида фаолият юритди. Бунинг учун минтақавий мактабларнинг мавжуд бўлиши шартлари, талаб ва мезонлари ҳам ишлаб чиқилди.

Фикҳ илмининг шаклланиши ва тараққиёти босқичлари мутахассислар томонидан турлича тасниф қилиниб, даврларга бўлинган. Даврийлаштиришнинг икки услуби устувор. Биринчи услубда шариатнинг вужудга келиш босқичларини исломий фикрнинг шаклланиши ва тараққиёти тарихи билан боғлиқ ҳолда даврларга ажратилади. Иккинчи услубда шариатнинг пайдо бўлиши ва фикҳ илмининг вужудга келиши ва тараққиёти даврларини мусулмонлар жамиятидаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар асосида белгиланади.

Ислом илмлари ривожда фикҳ илми шаклланишининг учинчи босқичнинг алоҳида ўрни бор. Сабаби, илмий адабиётларда бу босқичда аксарият илмлар, жумладан, ислом ҳуқуқшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида қатор саҳоба ва тобеъинларнинг хизматлари катта бўлганлиги эътироф этилади.

Демак, фикҳ илмининг шаклланишига фақиҳ саҳоба ва тобеъинларнинг фаолияти асос бўлди. Фақиҳ саҳобалар қаторида аввало чаҳорёрлар - Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб, сўнг Ибн Умар, Ибн Аббос, Зайд ибн Собит, Ибн Масъуд, Муоз ибн Жабал, аёл саҳобиялардан муъминлар оналари ва ансория аёллар зикр қилинади. Улар фикҳдаги мукаммал илмлари, Муҳаммад алайҳиссаломдан ўрганган ижтиҳод воситасида ўз фикҳий йўналишларини яратиш салоҳиятига эга эдилар.

Фақиҳ бўлиш учун ислом дини ва унинг шариатини тушунишда катта фаҳм фаросат, чексиз заковатли бўлиш баробарида, дуо, ижоза ва гувоҳлик каби омилларга ҳам муяссар бўлиш талаб этилган. Ўрта асрларда дуо, ижоза ва гувоҳлик атамалари билан номланган бу иборалар Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларнинг шариат илмидаги билимлари, салоҳиятларини тасдиқлаган, бу соҳада фаолият юритишга рухсат берганларини англатувчи ҳужжатлардир. Адабиётларда бунга асос сифатида Али ибн Абу Толиб билан бўлган воқеа ва Ибн Аббос воқеаси келтирилади.

Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин фақиҳ саҳобалар ислом таълимотини ўргатиш ва фатво чиқариш масалаларида асосий манба бўлиб хизмат қилдилар. Уларнинг фикҳий масалаларга жавоб беришда ўз ижтиҳод услубига асосланган йўналишлари, яъни мазҳаблари шаклланди. Жумладан, Умар ибн ал-Хаттоб мазҳаби, Али ибн Абу Толиб мазҳаби, Абу Ҳурайра мазҳаби, Ойша бинти Абу Бакр мазҳаби, Зайд ибн Собит мазҳаби, Ибн Аббос, Ибн Умар, Ибн Масъуд мазҳаби ва ҳ.з.

Ислом тарихида дастлаб мазҳаблар мусулмон жамиятида юзага келган саволларга жавоб бериш, мусулмонларнинг шариат мезонлари доирасида умр кечиришларини таъминлаш заруратидан вужудга келган. Ўз услуби ва йўналиши бўйича масалаларга жавоб бериш ҳуқуқи ислом илмларини мукаммал эгаллаган, илмий салоҳияти муайян талабларга жавоб бера оладиган фақиҳлардагина бўлган. Саҳобалар, улардан кейин тобеъин, сўнг

табаъа тобеъинлар орасидан фақиҳлар етишиб чиққан. Шунинг учун ҳам илк ислом даврида бундай мазҳабларнинг сони бир неча юзтани ташкил қилгани айтилади. Кейинчалик мазкур фикҳий мазҳаблар негизда минтақавий мактаблар шакллана бошлади.

Араб тилида мадраса сўзининг луғавий маъноси таълим бериладиган жой мактабни англатади. Бошқа бир маънода илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассис олимлар жамланган жой, илмий марказни билдиради. Шу нуқтаи назардан фикҳий мактаблар бу – ўз илмий салоҳиятлари билан у ёки бу йўналишнинг истиқболларини белгилап берадиган, илмий фаолиятлари ва саъйи ҳаракатлари билан кенг ва тор ихтисосликлари йўналишида тадқиқотлар олиб борадиган олимлар жамланган макондир. Фикҳ илми соҳасида вужудга келган мактабнинг моҳияти - мусулмон ҳуқуқшунослигида пайдо бўладиган ҳуқуқий муаммоларга асл манбаларга асосланган ҳолда ҳукмлар чиқариш, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиб, уларни шарҳлаб, асослаб беришдан иборат.

Ёзма манбаларда ҳам, илмий адабиётларда ҳам фикҳий мактабларнинг шаклланиши учун бу ҳудуддан мужтаҳид олимлар етишиб чиқиб фаолият юритган бўлиши шарти зикр қилинади. Илк ислом даврида фикҳ илми бевосита фақиҳ саҳобалар хизматлари туфайли ривожланиб тараққий этган бўлса, тобеъинлар даврида у фақиҳ саҳобалар асос солган минтақавий фикҳий мактаблар доирасида ривожланди. Ислом тарихида вужудга келган дастлабки фикҳий мактаблар сифатида Ҳижозда Мадина фикҳ мактаби (бу мактабни фикҳий мактаблар онаси деб ҳам аталади), Макка фикҳ мактаби, Ироқда Куфа ва Басра фикҳ мактаблари, Шом фикҳ мактабини зикр қилиш мумкин.

Мадина фикҳ мактаби. Мадина - дастлабки ислом давлати барпо этилган шаҳар. Кейинчалик ислом дини ёйилиб давлат ҳудуди кенгайгандан кейин эса ислом давлатининг пойтахти. Бу ерда муҳожир ва ансорлар ёнма-ён яшаганлар. Мадина фикҳ мактаби машҳур саҳобалардан Зайд ибн Собит фикҳий услуби ва йўналишига асосланган. У зот фароиз илми ва Қуръон билимдони сифатида таърифланган. Зайд ибн Собитнинг фикҳ илмини Қуръони каримнинг фикҳий аҳкомларга оид оятлари нозил бўлган пайтда Мадина шаҳрида Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан олган. Шу сабабдан Мадина фикҳ мактаби тарихдаги энг кучли ва машҳур мактаблардан бири ҳисобланади. Бу мактабга асос солган саҳобаларнинг пешқадамлари Зайд ибн Собит ва Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) эди. Мадина мактабини Зайд ибн Собитнинг фикҳий услуби ва йўналишига асосланишининг сабаби унинг Пайғамбар (с.а.в.)га доимий ҳамроҳ бўлгани, ваҳийни у зотнинг ўзларидан эшитганлиги, Абу Бакр ас-Сиддиқ ва Умар ибн ал-Хаттоб халифалик даврида эса Қуръони Каримни жамлашда асосий ўрин тутганлиги билан боғлиқ. Халифа Умар Зайд ибн Собитни илмини юқори баҳолаган. Усмон ибн Аффон даврида эса Мадина мусҳафига қори этиб таъйинланган. У Мадина аҳлига ва бу ерга фатво сўраб келганларга фатво берган.

Абдуллоҳ ибн Умарни Мадина мактаби асосчиларидан саналишининг сабаби эсанинг кичиклигидан тақво билан, ҳар бир ишни худди Расулуллоҳ (с.а.в.) қилгандек қилиши билан изоҳланган. Пайғамбар (с.а.в.) вафот этган пайтларида Абдуллоҳ ибн Умар етук олим даражасига етган эди. У Абу Бакр ас-Сиддиқ даврида ҳам илм ўрганишда давом этган. Абдуллоҳ ибн Умар Аллоҳ таолонинг китоби ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларини жуда яхши билган инсон сифатида танилган. Ибн Умарнинг илмий салоҳиятини ҳаммаси бўлиб 2630 та ҳадис тўплаб, бу борада Абу Ҳурайрадан кейинги ўринда эканлиги ҳам кўрсатиб туради. Мадина фикҳ мактабини шаклланишига Оиша, Абу Ҳурайра ва бошқа саҳобалар билан бир қаторда тобеъин фақиҳлар хизмат қилганлар ва энг тўғри йўлни тутган фақиҳлар Мадина фикҳ мактаби вакиллари ҳисобланган. Мазкур мактабнинг ўрта асрлардаги энг сўнгги етакчиси имом Молик ибн Анас бўлган.

Макка фикҳ мактаби. Макка ислом тарихида Муҳаммад (с.а.в.) туғилиб ўсган, Қуръони Карим нозил бўлиши бошланган ва ислом дини шаклланишининг дастлабки ўн уч йили кечган жой сифатида алоҳида аҳамиятга молик шаҳардир. Макка фикҳ мактаби Абдуллоҳ ибн Аббос йўналишига асосланган ҳисобланади. Сабаби Абдуллоҳ ибн Аббос илмни Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларидан олганлиги билан изоҳланади. Манбаларда келтирилишича Ибн Аббос Пайғамбар алайҳиссалом вафот этганларида эндигина ўн тўрт ёшга етган ўспирин эди. Бироқ Қуръон Каримни ва ҳадисларни билишда унга тенг келадигани кам эди. Муҳаммад алайҳиссалом уни илмда пешқадам бўлишини сўраб дуо қилганлар ҳадисда ривоят қилинган. (Ал-Бухорий ва ат-Термизий ривоят қилган). Абдуллоҳ ибн Аббоснинг билими ва илмий салоҳиятидан хабар берувчи саҳиҳ ҳадислар талайгина.

Умар ибн ал-Хаттоб ҳукмронлиги даврида халифа қийин масалаларни ечишда Абдуллоҳ ибн Аббосга мурожаат қилишлиги манбаларда келтирилган. Халифа муҳожир, ансор, аҳли Бадрлардан ҳам Ибн Аббосни фикрини устун қўйган.

Халифа Али ибн Абу Толиб ҳукмронлиги даврида ҳам у Басрада волийликлик вазифасини бажарди. Халифа Алининг вафотидан кейин Абдуллоҳ ибн Аббос Мадинага қайтиб, илм билан машғул бўлди ва ислом илмларидан дарс берди. Абдуллоҳ ибн Зубайр Умавийларга қарши чиқиб Маккани марказ қилиб олганда Абдуллоҳ ибн Аббос бу ерга келиб тафсир, ҳадис, фикҳ ва адабиётдан дарс берди. Шу пайтда унинг мактабида таълим олган тобеъинлардан Мужоҳид ибн Жабр, Ато ибн Аби Рабоҳ, Товус ибн Кайсонлар каби алломалар етишиб чиқди.

Басра фикҳ мактаби. Умар ибн ал-Хаттоб Куфа ва Басрага илм ўргатиш учун устозлар юборди. Улар Басра фикҳ мактабини яратдилар. Жумладан, Абу Мусо ал-Ашъарийни Басрага волий қилиб тайинлади. Басра фикҳ мактаби яратилишида Анас ибн

Молик Ибн Назр ал-Ансорийнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Кейинчалик Басра фикҳ мактаби фаолияти ва ривожда бу ердан етишиб чиққан тобеъинлар ал-Ҳасан ал-Басрий, Муҳаммад ибн Сиррин, Абу-л-Олия Руфиъ ибн Меҳрон ар-Риёхий, Ҳасан ибн Абу-л-Ҳасан Ясор, Абу Шаъсо Жобир ибн Зайд, Қатода ибн Диъома ас-Садусийлар самарали хизмат қилдилар.

Куфа фикҳ мактаби. Халифаликнинг янги пойтахти Куфада фикҳ мактаби шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири бу ерга Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо ал-Ашъарий, Саъд ибн Абу Ваққос, Аммор ибн Ёсир, Ҳузайфа ибн ал-Ямон, Анас ибн Молик каби саҳобаларнинг кўчиб ўтиши бўлди. Халифа Усмон ибн Аффон саҳобаларга бошқа юртларга кўчиб боришга рухсат берганидан кейин уларнинг сафлари янада кенгайди ва саҳобаларнинг сони уч юз кишидан ошиб кетди. Куфа фикҳ мактаби Абдуллоҳ ибн Масъуднинг фикҳий услуби асосига қурилди. Кўплаб ироқлик фақиҳлар илмни айнан шу зотдан олдилар. Али ибн Абу Толиб ҳам улар қаторида эди. Ҳатто Куфа фикҳ мактаби асосчиси ҳисобланган Абдуллоҳ ибн Масъуд : «Агар ишончли одам Алидан фатво сўзласа, ундан ўтиб кета олмас эдик»-дегани зикр қилинган. Халифа Умар вақтларида Али ибн Абу Толиб Ислом давлатининг бош қозиси бўлганлари ҳам бежиз эмас. Али ибн Абу Толиб исломда илмий баҳсларга амалий равишда йўл очган зот сифатида таърифланади. Унинг ислом илмлари ривождаги хизмати сифатида араб ёзувида нуқта ва ишораларни қўйишни жорий қилганлиги зикр қилинади. Чунки нуқтасиз куфий ёзувидаги Қуръонни араб бўлмаган халқлар нотўғри ўқий бошладилар. Ана шунда вазиятни тўғрилаш зарурати туғилди. Али ибн Абу Толиб (р.а.) Абуласвад ад-Дуалийга араб тили қоидалари илмини асосларини кўрсатиб уни одамларга ўргатиладиган илм даражасига келтиришни топширди.

Куфа фикҳ мактабида Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Алқама ибн Қайс ан-Нахаъий, ал-Асвад ибн Язид ан-Нахаъий, Абу Майсара Амр ибн Шараҳил ал-Ҳамадоний, Масруқ ибн ал-Аждаъ ал-Ҳамадоний, Убайда ас-Салмоний, Шурайх ибн ал-Ҳорис ал-Киндий, Иброҳим ан-Нахаъий каби тобеъин шогирдлари фаолият юритди. Иброҳим ан-Нахаъийдан эса Абу Ҳанифа ва Суфён ас-Саврий илм олдилар. Бу мактабнинг энг сўнгги раҳбари Ибн Абу Лайло, Ибн Шибрамава Абу Ҳанифа бўлдилар.

Шом фикҳ мактаби. Шом қадимдан илм – маърифат маркази бўлиб келган. Бу ўлканинг одамларига машҳур саҳобалар устозлик қилди. Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.)нинг халифалик даврларида унга Язид ибн Абу Суфён (р.а.) мактуб йўллаб Шомга Қуръондан таълим берадиган, фикҳ ўргатадиган кишилардан ёрдам беришни сўраган. Мурожаатга жавобан Муоз ибн Жабал, Убода ва Абу Дардолар Шом диёрига боришга розилик билдирганлар. Умар ишни дастлаб Ҳимсдан бошлашни, сўнг у ерда бир киши қолиб, бир киши Димашққа яна бир киши Фаластинга бориши лозимлигини таъкидлаган. Халифанинг

кўрсатмасига мувофиқ Ҳимсда Убода қолиб, Абу Дардо Димашққа, Муоз Фаластинга йўл олган.

Муоз ибн Жабал ибн Амр ал-Ансорий ал-Хазражий Ясрибда Мусъаб ибн Умайрнинг даъвапи билан исломни қабул қилган. Пайғамбар алайҳиссалом Муоз ибн Жабални дастлаб Яманга нафақат устоз сифатида, балки ўзларининг волийлари сифатида жўнатмоқчи бўлганлар. Абу Бакр даврларида у Мадинада фатво айтган. Умарнинг даврларида кўзга кўринган олим бўлиб етишган. Умар ибн ал-Хаттоб доимо Муоз ибн Жабалдан маслаҳат сўраб турар эди. Муоз ибн Жабал, Убода ибн Сомит ва Абу Дардолар бу машаққатли вазифаларини умрларининг охиригача шараф билан адо этдилар. Шом мактабидан Абу Идрис ал-Хавлоний, Макхул ибн Абу Муслим ад-Димашқий, Умар ибн Абдулазиз, Ражо ибн Ҳайва ал-Киндий каби илм соҳиблари етишиб чиқдилар. Уларнинг энг каттаси Абдурраҳмон ал-Авзоъий эди.

Катта саҳобалар даврида Мадина, Макка, Куфа, Басра ва Шомда вужудга келган фикҳ мактаблари, кейинчалик тобеъинлар ва табаъа тобеъинлар замонида фикҳий мазҳаблар шаклланишига замин тайёрлади.

Хулоса қилиб айтганда ислом тарихида минтақавий мактабларнинг вужудга келиши араб диёрларида бошланган. Бу объектив жараён бўлиб, ислом дини ва илмларининг дунё бўйлаб ёйилишида, фикҳий масалаларнинг тўғри талқин ва татбиқ қилинишида асосий ўрин тутган. Зеро фикҳий мактаблар вужудга келишининг бошида энг билимдон саҳобалар ва уларнинг шогирдлари тобеъин ва уларнинг издошлари турган. Мактаблар доирасида забардаст уламолар етишиб чиққан ва ислом оламининг турли ўлкаларида маҳаллий мактаблар шаклланиши мезонларини белгилаб берганлар. Илк ўрта асрларда араб бўлмаган мусулмон диёрларида ҳам минтақавий мактаблар вужудга келган ва мактаб вакиллари ислом илмлари ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Фодаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ал-мавсуъа ал-муяссара фи-л-адйан ва-л-мазаҳиб ал-муосара. – Ар-Риёд. Дар ан-надва ал-аламия ли-т-тибаъа ва-н-нашр ва-т-тавзиъ. 1999. - Б.107.
2. Маннаъ ал-Қаттан. Ат-Ташриъ ал-исламий. – Байрут. 1989.
3. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. Ал-жузъ ас-сани. – ал-Қоҳира. Дар ал-фикр ал-арабий. 1996. – Б.34.
4. Муҳаммад Юсуф Муса. Мухозарот фи тарих фикҳ ал-исламий. – ал-Қоҳира. Маъҳад ад-дирасат ал-арабия ал-олия. 1954. – Б. 35-40.
5. Умар Сулаймон ал-Ашқар. Тарих ал-фикҳ ал-исламий. – ал-Кувайт. Мактаба ал-фалах. 1982. – Б.84.;
6. Ҳасан, Иброҳим Ҳасан. Ат-Тарих ал-исламий ас-сиясий ад-диний ас-сақафий ал-ижтимаий. Дар ал-жил. Байрут. 1996. 1ж. –Б.223.
7. al-Laknawī, ‘Abd al-Ḥayy. Al-Fawā'id al-bahiyya fī tarājīm al-Ḥanafīyya, ed. Aḥmad al-Zu'bī –Beirut. Dār al-Arqam, 1998.
8. <https://ar.wikipedia.org/wiki/تأسيس المدارس الفقهية>